

АДОЛАТ ТАМОЙИЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Куч — адолатда



АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОИЙ-СИЁСII ВА ҲУҚУҚII ГАЗЕТАСИ

Газета 1995 йил
22 февралдан чиқа бошлаган

2005 йил
18 февраль

№ 6
(502)

ГАЗЕТА ХАФТАНИНГ
ЖУМА КҮНЛАРИ ЧИҚАДИ.
Сотувда
эркин нархда

Бугун — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил этилганига 10 йил тўлади

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 10 йиллиги муносабати билан партия Сиёсий Кенгашининг "Адолат" СДПнинг барча аъзолари ва хайрихоҳларига

ТАБРИГИ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши партиянинг барча аъзолари ва хайрихоҳларини, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят, шаҳар, туман Кенгашларини Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси таъсис этилганлигининг 10 йиллиги билан қизгин табриклади.

Ўтган ўн йил мобайнида партиямизнинг салоҳияти, гоёяни-мафкуравий савияси юксалди, эл-юртга танилди, аҳолининг кенг қатламларини қамраб олувчи умуммиллий партияга айланди.

2004 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда партиямиз вакиллари бирмунча муваффақиятли қатнашиб, бир миллиондан ортиқ сайловчиларнинг овозини олишга муваффақ бўлдилар. Партиямизнинг ютуқларида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят партия ташкилотларининг ҳам муносиб хиссаси борлиги бизни ниҳоятда мамнун этди.

Шу билан бирга, жойлардаги партия ташкилотларимиз партиямиз III Қурултойида қабул қилинган Сайловда қўриқилган курсатилган — мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, ислохотларни жадаллаштириш, ҳуқуқий демократик адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, партиямиз салоҳияти ва обрў-эътиборини юксалтириш каби устувор вазифаларни рўйга чиқаришда куч ва ғайратини аямайди деб ишонамиз.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Сиз партиядошларимизга сихат-саломатлик, партиявий ва меҳнат фаолиятингизда муваффақиятлар, дастурхонингизга кутбарак, оилангизга тинчлик-осайишталик тилайди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши



Суратда: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби Абдували Фуломхаммудов Сиёсий Кенгаши ҳайъати аъзоси, академик Турғунўлут Даминов ва Тошкент вилоят партия Кенгаши иккинчи котиби Махмуд Мўйдинов ўзаро мулоқотда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Кодиров раҳбарлигида Бош прокуратура ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофиза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2004 йилдаги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Парламент Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, Хукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган амалий кенгашида билдирган фикрлари ва берган топшириқларидан қолиб чиқувчи вазифалар белгилаб олинди.

Фуқароларга иш хақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўлиниши, уларнинг иш билан таъминлаши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларнинг қафолатлини борасида йўл қўйилган қонунбузулишларни бартараф этишнинг зарур чоралари қўрилди.

Маъмур соҳаларда ўтказилган текширишлар натижаларига қўра жами 125 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўллаб-қувватлаш, хизмат вазифаларини талаб даражасида баҳармаган 64 минг нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва жиддий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини қўзғаб судларга жами 47 миллионга сўмликдан зиёд 29 мингта даъво аризалари киритилди.

Кийинги ҳужжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, соҳадаги суъистеъмолчиликларга барҳам бериш каби вазифаларни талаб даражасида баҳармаган 64 минг нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва жиддий жавобгарликка тортилди.

Назаримда, 2005 йил халқимиз, жамиятимиз ҳаётида бутунлай янги бир даврни бошлаб бергандай бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловлар, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг шаклланиши жамият сиёсий ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Демократик сайлов жараёнлари фуқароларимизнинг сиёсий тафаккури ва фаоллиги қанчалар ортганини яққол намойён қилди. Очик, ошқора, қизгин курашлар билан ўтган бу сайловлар — ҳар бир инсоннинг ўз тақдири, фарзандлари тақдири, мамлакат, халқ тақдирига масъуллиги ва ана шу масъуллик ҳиссига таяниб, танлаш имкониятининг мавжудлиги — бугунги демократик ислохотларнинг муҳим ютуғидир. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам бу сайловларда иштирок этди ва ўз электратининг овозига таяниб, парламентда фракция тузиш имкониятига эга бўлди.



ЯНГИ ДАВР — ЯНГИ ФАОЛЛИК

Фракциянинг бош мақсади — партия дастурдаги муҳим го ва мақсадларни давлат дастурлари, қонун ва қарорларнинг қабул қилинишига эришиш, ҳаётга тадбиқ этиш, улар ижросини назорат қилишдир. Зеро, сиёсий партиялар бугун ана шундай жўшқин фаолият юритиш учун барча зарур шарт-шароитга эгадирлар. Уларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан қафолатловчи қонунлар қабул қилинган ва бугунги янги давр ҳам сиёсий партиялардан ана шу жўшқинликни талаб этмоқда. Юртимиз равиқига хизмат қилувчи муҳим қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, янги тақлиф ва гоғлар, халқимиз фаровонлиги, халқни янада яқдил ва жиқлигига хизмат қилиш, эъзу ва улғур мақсадлар йўлида сафарбар этишга астойдил хизмат қилиши зарур.

Бу — шунчаки дабдабали сўзлар эмас. Зотан, сайловда учрашувлари чоғи барча партиялар вакиллари юртдошларимизнинг ўй-хаёллари, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш имконига эга бўлишди. Бугун ана шу таҳлил ва хулосалар асосида мавжуд муаммоларни биргаликда амалий тарзда ҳал этиш учун қулай имконият яратилди. Бу жараёнларнинг олд сафарларида бўлиш эса сиёсий партиялар учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Шундай экан, тезкор даврнинг катъий талабларига жавобан замон билан ҳамқадам бўла олмаган сиёсий партиянинг истиқболли ҳам бўлмайди.

Шу маънода, ўтган сайловлар "Адолат" СДП учун ҳам таҳлил-тажриба, ҳам янги фаолият стратегиясини ишлаб чиқиш учун сабоқ бўлди. Чунки, шикдаткор замон ҳеч қайси соҳадан сўстлик, лоқайдлик, турғунликни қабул қилмаслиги айна ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам бугун биз ўз фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, уни янги-ча руҳ, янги ташаббуслар билан бойитишга интиломқамдамиз.

Бундай ташаббуслар учун эса кенг сахн бор бугун. Мамлакатимиз Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсади — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислохот этишидир" номли маърузаларида белгилаган улғур вазифалар, Оксаройда янги ҳукумат аъзолари билан ўтган учрашув чоғида илгартирилган ҳаётий долзарб масала ва муаммолар, уларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг жамият ва халқ ичидagi сафарбарлиги фаолияти ана шу сахни белгилайди.

"Адолат" СДП бундай фаолият майдонига ўз дастурий мақсад ва вазифалари билан жамият ривожланиши тамойиллари ўртасида муштаракликни аниқ қўрган ҳолда янги-ча шижоат, ғайрат ва ҳафсал билан фаолият юритиш мавжудлигини чуқур ҳис этиб турибди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида уч фракция — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар Миллий-демократик партияси ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан "Демократик блок"нинг ташкил этилиши ҳам бунинг бир белгисидир. "Демократик блок" тузилиши натижасида партия дастурдаги асосий тамойил, мақсад ва вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун Парламентда реал

имконият — кўпчилик овозга эга бўлиш имконияти туғилди.

"Адолат" СДП, айниқса, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йўналтирилган қонунлар қабул қилинишида, хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватлашда блок аъзолари билан ҳамфикр эканлигини аниқлаб турибди. Блок фаолиятида тенг ҳуқуқлик, ўзаро ҳурмат, партия гоғларига содиқлик, мустақиллик ва энг асосийси — ҳаётимизнинг энг муҳим масалалари бўйича келишувга эришишнинг конструктив усули — консенсус усулидан фойдаланилади. Бу, бир томондан, блок доирасида умуман олганда, либерал гоғлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тақозо қилса, иккинчи томондан, "Адолат" СДП учун принципал ҳисобланган масалаларда ЎзЛиДеП ва Ўзбекистон Фидокорлар МДПнинг ҳам розилик беришини тақозо қилади.

Бугунги янги давр барча партиялар, хусусан, "Адолат" СДП учун ҳам янги талабларни қўймоқда. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "сиёсий тажриба ортириш, сиёсий етуқликка интилиш ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиш" бу талабларнинг энг асосийсидир. Шу маънода, "Адолат" СДП бугун мамлакатимиздаги, аҳолининг кенг қатлами, барча жамоат нодавлат ташкилотлари, жамғармалари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ёшлар ҳаракатлари билан ақин ҳамкорликни янада жонлантириши лозим. Айниқса, партиянинг жойлардаги ташкилотлари, туман ва қишлоқлардаги бўлимлари фаолияти бутунлай қайтадан кўриб чиқиши, замон

талабларига мос равишда ислохот этилиши зарур. Партия матбуоти учун эса ўз ишига нисбатан танқидий ёндашув ниҳоятда зарур. Партиямиз матбуоти чинакамига жонланиши, жойларда баъзан учраб турадиган ҳар қандай иллатлар, ноҳақлик, бюрократия найранглирини аёвсиз фош этиши, ҳар бир конкрет ҳолатда адолатнинг тикланиши учун матонат билан курашиши шарт.

Оқдй бир ҳолатда бир инсоннинг дардига малҳам бўла бўлиш, ўз ҳақ ҳуқуқлари учун курашаётган чоғи ёнида туриб ёрдам бериш, адолатга эришиш ҳар қандай умумий маъму шижоатлардан кўра минг марта афзаллигини аниқлаш фурсати етди. Шундангина одамларнинг бирон-бир партияга бўлган чинакам ишончи ортади. Хурмати пайдо бўлади.

Бугун биз учун ана шундай амалий ишлар, ҳар бир инсонга дарддошлик хисси ва оқибат, маслақдош юртдошларимиз билан Ватан равақати учун сафарбар ҳаракатлар керак.

Инсон учун ўзлигини аниқлаш — энг улғур соадати. Партия учун ҳам сиёсий куч улғурқ ўзини аниқлаш, жамиятдаги ўрнини аниқлаш ва топ биллиш жиддий ҳаётий аҳамиятга эга. Ана шу ҳолат партиянинг истиқболлини, яна ҳам соддарайтасак, халқ ва жамият учун керак-ноқерақлигини белгилаб беради.

Партиянинг сиёсий ҳаёти, фаолиятидаги мантхик ҳам аслида шунга боғлиқ.

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Олий Мажлисида

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сиёсий партиялар — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Фидокорлар миллий-демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси фракцияларининг Парламент Қонунчилик палатасида "Демократик блок"га бирлашиши тўғрисидаги битим имзоланди.

Янги блокнинг асосий мақсади кўпчилик овозга эга бўлган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ҳаётини янгилаш, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш вазифаларини ҳамда мамлакатимизни модернизация қилиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, эркин иқтисодиётни яратишга қаратилган дастурларни рўйга чиқариш учун зарур қонунларнинг таёрлини бирлаштиришдир. Блок фаолиятининг асосий йўналишлари миллий манфаатларимизга мос, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ва ташки сиёсат соҳаларидаги вазифаларнинг ҳал этилишини назарда тутувчи қонунчилик фаолияти дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат бўлади.

Маъмур битимда кўзда тутилган масалалар бўйича келишилган нуқта назарни олдиндан муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш блока кирувчи фракциялар ҳамкорлиги шаклидан бирдир. Блоқда қарорлар консенсус йўли билан қабул қилинади ва баённомада расмийлаштирилади. Блокнинг ҳамма иштирокчилари қонуннинг партия, гуруҳ, шахс манфаатларидан ва сиёсий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назарларидан устуворлигини эътироф этди. Блок ишини ташкил этиш ва қабул қилинган қарорларни бажариш учун тенг вақиллик асосида раҳбарлик кенгаши шакллантирилади ва у ҳам расислар — блокни ташкил этувчи фракциялар раҳбарларидан ташкил топади.

Блок фаолияти фракция аъзоларининг умумий мажлисида қабул қилинадиган регламент асосида амалга оширилади. Блок мажлислари қабул қилинган иш режаларига мувофиқ, зарурат туғилганда ҳамда бирор фракциянинг ташаббусига кўра ўтказилади. Блоқка бирлашган барча сиёсий партиялар фракциялари ўз дастурий йўналишларига мувофиқ фаолиятини эркин юритиш ҳуқуқига эга. Блок Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари билан ҳамкорлик учун очкидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида демократик блок тузилганлиги мамлакатимиз олий қонунчилик органидаги фракциялараро рақобатнинг яна бир мисолидир. Шундай қилиб, имзоланган битим парламент фаолияти шаклланидан бирини белгилаб берди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ишида ўзаро чекловлар ва мувозанатни сақлаш механизмининг шакллантириш учун амалий шарт-шароитларни таъминлади.

Битим имзолангандан сўнг мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

(ЎЗА)

ТИББИЁТ

МУАССАСАЛАРИГА "ДАМАС"

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш тизимига "Сихат-саломатлик йили" Давлат дастури доирасида бешта "Дамас" автомашинаси берилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ва Андижон давлат тиббиёт институтига иккитадан, вилоят эпидемиология хизмати марказига эса битта "Дамас" ажратилди. Бундан шифокорлар бениҳоя хурсанд. Хизмат сафарига ва бошқа юмушларга янги машинада боришга не етсиз.

КҮЧАТ ЭКИШ БОШАЛАНДИ

Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ободонлаштириш ва кўчат экиш тадбирларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Туман ва шаҳарларни тугаштирувчи барча қатта кўчаларнинг икки томонида қуриб қолган даракта кўчаларнинг икки томонида қуриб қолган даракта кўчалар олиб ташланиб, ўрнида йил-ўн икки ой яшилги билан табиат кўксини ҳаммаша яшил манзарига бурковчи манзарали кўчатлар экиляпти.

Маълумки, ўтказилган нина баргли дарахт кўчатлари ўзининг нафақат гузаллиги билан ажралиб туради, балки табиатнинг экологик ҳолатини яхшилашда ҳам асоқатади.

Ободонлаштириш ва кўчат экиш ойлиги вилоятнинг Денов, Шўрчи, Жарқўрган, Термиз, Ангор, Шеробод туманларида намунали олиб борилмақда.

Турсун МАХМАДАЛИЕВ,
"Адолат" муҳбири

МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида Григорий Шевяков таваллудининг 100 йиллиги ва Георгий Чигановнинг 80 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон ақварел санъати усталари" кўргазмаси очилди.

Маъмур кўргазмада Г. Шевяковнинг "Орол", "Хива", "Мирзачул", "Бойсун", "Ўзбекистон йўллари бўйлаб", "Исик кўлда", "Болтиқбўй бўйлаб" каби 30 дан ортиқ асарлари намойиш этилмақда.

Ақварел санъати усталари бўлган бу икки ижодкорнинг яратган асарлари юртимиздаги қўлгина нуфузли музейларда ва Россиядаги санъат галерейлари, қолаверса, хорижий давлатлар фуқароларининг хусусий туғламларидан муносиб ўрин олган.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

қилишда бошқа ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик мустақамлашди. Натижада мамлакатда криминоген вазиятнинг барқарорлиги таъминланди, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг, шу жумладан, қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғирлик, гуруҳ таркибидagi ҳамада рецидив жиноятларнинг бир мунча камайишига эришилди.

Кўрилган чоралар жиноят ишлари бўйича суриштирув ва терговнинг сифатини яхшилаш, тергов муддатларида қатъий риоз қилиш, ахтиёр чораларини тўғри танлаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида ишлар кучайтирилди, қўлланилган 17 мингтадан кўп прокурор назорати ҳужжатлари асосида мавжуд қонунбузулишларни бартараф этилиши таъминланди. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика

таъминлаш имконини берди. Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг 39,7 миллиард сўми ва 596 минг АҚШ долларини ёки уларнинг 69 фоизидан ортиғи ундирилди.

Сулларда жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари кўрилшида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти асосан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ



Суратларда: «Адолат»



СДП ғояларини амалга ошираётган фаоллар.

Кутлов

ФАХР

Мен **Ўзбекистон «Адолат»** социал-демократик партиясини тузишда иштирок этганман. Уша пайтда, яъни партиянинг таъсис съезди бўлган вақтда бир неча минггина аъзога эга бўлган адолатчилар сони ҳозирга келиб элик мингдан ошиб кетди. Аммо гап сонда эмас. Сифатида ва салмоқда.



Агар сафдошларимизнинг сифатига назар солидиган бўлсак ҳозир «Адолат» СДП сафларида кўзга кўринган олимлар, сиёсатчилар, бизнесменлар, яъни республикамизда катта обрў-эътиборга эга бўлган машҳур кишиларни кўришимиз мумкин.

Шу сабаби ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида «Адолат» социал-демократик партиясининг салмоғи ортиб борапти. Чунки партия ўз дастурида таъкидлаганидек, мамлакатимизда яшаётган фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлариغا хизмат қиладиган тadbирларни ишлаб чиқиш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларида янги, демократик дунёқа-

рашни шакллантириб, яқин келажакда Ўзбекистонни юқори даражада ривожланган давлатлар даражасига кўтариш ишига халқимизнинг барча табақа ва қатламларини фаол иштирок этишга даъват этиб келмоқда. Халқ эса партия-мизни қўллаб-қувватламоқда.

Шу тўғрисида ҳам мен «Адолат» партиясининг аъзоси эканлигимдан фахрланаман ва маслақдошларимни ушбу улғайиб кунларида кизгин табриқлаб, уларнинг юртимизни гуллаб яшаган ўлкага айлантиришдек эзгу ишларига муваффақиятлар тилайман.

Тўхтамурод Жўраев, партия фахрийси, Сиёсий Кенгаш аъзоси, академик

Ҳозирги вақтда биз муҳим бир тарихий жараёни, яъни, ҳуқуқий демократик жамият қуриш, ҳақиқий фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида бевосита иштирок этмоқдамиз.

Жаҳон амалиётдан маълумки, ҳақиқий демократик жамият қуришда давлат бошқаруvinинг айрим вазифалари секин-асталик билан нодавлат ташкилотлар тасарруфига ўтказила боради. Айнан ана шундай вазиятда ўша жамиятда истиқомат қиладиган аҳолининг мукаммал ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлиши, ўз ҳуқуқи ва мажбуриятларини аниқ билиши, жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри талқин этиб, олиб борилаётган ислохотларга ўзининг муносиб улушини кўшиши тақозо этилади. Айнан шу даврда сиёсий партияларнинг роли ортиб боради, сиёсий партиялар фуқаролар ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини, маданиятини оширадиган кучга айланади.



Янги иш ўринларини яратиш, етиштирилаётган хомашини қайта ишлаш, аҳолининг турмушини фаровонлаштириш, қишлоқ

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аҳолининг кенг қатламини қамраб олувчи умумхалқ, умуммиллий партия бўлиб, жамиятни демократлаштириш, миллатлар, ижтимоий табақалар ва тоифалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш орқали халқимиз монолитлигини, биродарлигини бақардорлаштиришга хизмат қилдиб келмоқда.

Кучли давлатдан кучли жамият сари ҳаракат қилар эканмиз, жамиятда ижтимоий адолат мезонининг барқарорлигини таъминлаш, унинг ҳар қандай бузилишига йўл қўймастик — «Адолат» СДПнинг энг муҳим таъминотида бирдир.

Юқорида қайд этиб ўтилган барча масалаларнинг оқилона ечимини топиш ва пировадидида, ҳақиқий демократик ҳуқуқий жамият қуриш учун жамият фуқароларининг умумий маданиятини, энг муҳими, интеллектуал са-

лоҳиятини ошириш тақозо этилади. Бунда айниқам, қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган ёшлар, хотин-қизлар тақдирини, келажакни кўзлаб олиш юртимиз, жамиятимизда зийли эътиборни кўчатириш партия-миз олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Оналарни ва қизларимизни маърифатли, илмли, билимли, ҳар томонлама доно ва зукко қилмасдан туриб, аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш мушкул. Шу боисдан ҳам, партия-миз Дастурида хотин-қизларни, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашлари, ўз салоҳиятини ўлғайтириш учун реал имкониятлар яратиш масаласига асосий эътибор қаратилган.

Қишлоқ шароитида яшаётган хотин-қизлар учун

Зухра БОТИРОВА, Олий Мажлис Кунунчилик палатаси депутати, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси.

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ҳаётимизда кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Халқимизнинг асрий орзуси истиқлол боис юзага чиқиб, Ўзбекистоннинг эллар аро доврғи ортиб бораёпти. Ҳуқуқий демократик жамият қуришдаги илғор қадамлар, бозор иқтисодиёти шароитидаги ўзгариш ва инқилобий ислохотлар, фан оламидаги ривожланишларнинг ҳаммаси, Республика-миз мустақиллигининг мустаҳкамлаш ва келажакимизнинг порлоқ бўлиши учун пойдевор бўлаётганлиги барчамизни бирдек қувонтиради.

Биз жаҳоннинг ривожланган давлатлари даражасига етиш учун бор куч-қудратимизни аямаяпмиз. Адолатпарвар Юртбошимиз раҳбарлигида Ўзбекистоннинг буюк келажак учун мардондор меҳнат қилаётиб. «Адолат» партия-миз ҳам бу йўлда собитқадамлик билан иш олиб бормоқда. Ҳамиша юрт равақи, халқ манфаатини қўзлаб хизмат қилишни ўзининг асосий мақсадига айлантирган. Бу эзгу мақсад йўлида ҳали жуда кўп яхши ишлар амалга оширилади. Партиядошларим қаторида Халқим учун, Ватаним учун чин фарзандлик бурчимни адо эта олам, ўзимни гоё бахтиёр, деб ҳисоблайман.

«Адолат» социал-демократик партияси ҳам мамлакатимиз тараққиётига

ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Бу партия ўзининг юксак номини хамиша оқлаши шарт. Яъни, партиянинг барча аъзолари ва тарафдорлари, қолаверса, хайрихоҳлари ҳақиқат ва адолат тўғрисида янада балан кўтаради. Зеро, фуқароси осойишта ва адолатли умр кечирган жамият узоқ яшайди. Бизнинг ҳаракатимиз эртанги кунимиз учун экан, келажак бугундан бошланишини бир зум бўлсада унутмаслигимиз лозим. Мен шундай партиянинг фахрийси бўлганимдан қувонаман ва унинг келгуси ишларига ривож тилайман.

Ўткир РАСУЛОВ, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси, академик, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Электроника» институти директори



Суратларда: партиядошларимизнинг бугунги фаолиятидан лавҳалар.



Бировга заррача қилма ёмонлик!

Демак, яхшиликнинг хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, уни бировлардан дариг тутма. Арзиматдан бир яхшиликни бировга раво қилганимиз деб, уйланиб ўтирма! Дунёда ким нимани экса, ушани ўради.

Ҳа, Турсунхўжа Искандаров фақат яхшилик қилмаётган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ин-



масаласини халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида кўтариб чиқиб, ушбу муаммоларни ҳал этиш йўларини кўрсатиб беришни мақсад қилиб кўйган.

Биз Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 10 йиллиги нишонланаётган ушбу шуқуҳли кунларда партия ўз олдида мақсад қилиб қўйган, яъни, Ўзбекистонни гуллаб яшанадиган, ҳар томонлама тараққий этган, аҳолиси тинч, осуда, фаровон ҳаёт кечирадиган мамлакатга айлантириш каби эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларида Турсунхўжа Искандаровга омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

Каримжон РИХСИЕВ, «Адолат» муҳбири



Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 10 йиллик солномаси

1995 йил. 18 февраль кун Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг таъсис қурултоғи бўлиб ўтди.

Делегатлар партия Сиёсий Кенгаши ва таътиш комиссияси аъзоларини сайладилар.

Қурултой Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг резолюцияси ва муурожаатномасини қабул қилди.

Шу кун Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Унда асосан, ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленумда партия Сиёсий Кенгаши ҳайъати ва Котибияти сайланди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби этиб Анвар Жўрабов, иккинчи котиби этиб Абдували Фуломмаҳмудов сайланди. Наҳиддин Комилов, Халимжон Бобоев ва Улғубек Дониёрлар партия Сиёсий Кенгашининг котиблари этиб сайландилар.

18 май кун Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашида Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулотда ва Мухтор элчиси доктор Карл Хайнц Куна қабул қилинди.

Партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Анвар Жўрабов жаноаб элчига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил гапириб берди.

Доктор Карл Хайнц Куна Германия социал-демократик партияси ва Германиядаги бошқа партиялар тўғрисида сўзлаб берди. Элчи жаноаблари икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда янада ривожланади, деб умид билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси билан Германия социал-демократик партияси ўртасида алоқаларни кенгайтириш, партияларнинг ўзаро делегация алмашиш йўли билан бир-бирининг иш таърибасини ўрганиш лозимлиги таъкидланди.

30 май кун Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум муҳокамасига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг таъсис Қурултойидан сўнг амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисидаги, «Партиянинг 1995 йилги иш режаси», «Партия аъзоларига бериладиган вақтинчалик гувоҳномалар лойиҳаси», «Адолат» газетаси обунаси ҳақидаги масалалар киритилди.

8 июнь кун Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулотда ва Мухтор элчиси Филип Филиппович Сидорский қабул қилинди.

Партия Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Анвар Жўрабов жаноаб элчига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил гапириб берди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ҳайъатининг 1995 йил 11 июль кун бўлиб ўтган мажлисида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» янги китобини ўрганиш ва тарғибот қилиш масалаларини кўриб чиқилди.

18 октябрь кун Тошкентда «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг III Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби хулосалари асосида «Адолат» социал-демократик партиясининг навбатдаги вазифалари, иккинчи Пленумидан сўнг партиянинг фаолияти, партия мулкнини ва жамғармасини ташкил этиш ва фойдаланиш ҳақидаги муваққат йўриқнома-ни қабул қилиш, партияни тузишда фаол қатнашган ташаббусларнинг бир гуруҳига муваққат гувоҳномаларни топшириш, «Адолат» газетасига обунани ташкил этиш ва бошқа ташкилий масалалар ўрин олди.

1996 йил **Февраль.** Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг бугунги кундаги фаолияти ва кенг қамровли ишлари билан танишиш мақсадида партия Сиёсий Кенгашига ташриф буюрган АҚШ Миллий Демократик институтининг Марказий Осиё ва Туркия дастури бўйича катта маслаҳатчиси Жанна Левисон билан мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Жанна Левисон хоним ўз ташкилотининг мақсад ва вазифалари ҳусусида партия Сиёсий Кенгаши котибларига қисқача маълумот берди.

19 март кун Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Сиёсий Кенгаш ҳайъати йиғилишида кун тартибиданги бошқа бир қатор масалалар билан бирга Россия Федерацияси давлат Думасининг шу йил 15 март кун Боловез бетирилари бекор қилиш тўғрисидаги қарори муҳокама қилинди ва мазкур масала юзасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг баёноти қабул қилинди.

1997 йил 25 март кун Тошкентда Ўзбекистон

«Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VII Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши, Хайъати ва Котибияти аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари бўлган бир гуруҳ Олий Мажлис депутатлари қатнашдилар.

Пленум кун тартибидан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг «1997 йил — Инсон манфаатлари йили»даги вазифалари ва ташкилий масалалар ўрин олди.

Апрель. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенгаш котиблари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари котиблари иштирок этдилар.

Котибият йиғилишида ижтимоий, сиёсий ва партиявий ташкилий масалалар муҳокама этилди.

1999 йил **Февраль.** Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг ҳайъат йиғилишида Партия Сиёсий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари котиблари, Сиёсий Кенгаш аъзолари, «Адолат» газетаси таҳририяти ходимлари иштирок этдилар.

Ҳайъат йиғилишида партиянинг молиявий аҳоли ва уни яхшилаш чоратadbирлари, мустақилликнинг беш йиллиги ва Амур Темур таваллудининг 660 йиллигини муносиб кутиб олишда партия аъзоларининг ролини ошириш масалалари, «Адолат» газетасининг ярам йиллик иш якунлари муҳокама қилинди.

Май. Тошкентдаги «Шаршара» оромгоҳида Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Собир Раҳимов туман Кенгашининг «Янги аср ва Ўзбекистон аёли» мавзусидаги маънавий кечаси бўлиб ўтди.

Унда туман қорона ва ташкилотлари хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг котиблари ҳамда танкили олим, шоир ва санъаткорлар ҳозир бўлиши, янги аср ўзбек аёлининг инсоний қиёфаси, унинг боё маънавий дунёси, мафқураси, жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва макъси ҳақида қизиқарли сўхбат қурдилар.

9 октябрь кун Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг II Қурултоғи бўлиб ўтди.

Қурултоғида «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида»ги масала кизгин мунозараларга айланиб кетди. Кўпчилик делегатлар бир овоздан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб Ислам Абдуғаниевич Каримовни кўрсатдилар ва бу ҳақда Қурултойнинг ақид қарори қабул қилинди. Партиядан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг янги таркиби сайланди.

2000 йил **Январ.** Сиёсий партиялардан сайланган Олий Мажлис депутатларининг илк йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлисдаги депутатлик фракцияларини тузиш ва уларнинг раҳбарларини сайлаш масалалари кўриб чиқилди.

«Адолат» социал-демократик партияси депутатлик фракциясига депутат Турғунпўлат Даминов раҳбар этиб сайланди.

Февраль. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўзининг 5 йиллигини нишонлади.

Унда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, вилоят, шаҳар, туман партия Кенгашларининг етакчилари Ўзбекистоннинг ютуқларини бойитиш, унинг халқларно обрўсини янада ошириш борасида ақидчилик билан астойдил ишламоқликни олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Июнь. Ўзбекистон «Адолат» СДП Котибиятининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенгаш аъзолари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар партия Кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, «Адолат» газетаси ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда «Адолат» СДПнинг олдида турган вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Шунингдек, Юртбошимизнинг миллий мафқура ва миллий гоё бўйича «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавоблари ҳам ўрганиб чиқилди ва партиянинг амалга оширадиган иш режалари белгилаб олинди.

Сентябрь. «Адолат» СДП Самарқанд вилоят партия Кенгашининг II Пленуми бўлиб ўтди. Пленум кун тартибига «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи қақирқ Олий Мажлиснинг III сессиясида сўзлаган нутқи ва Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларнинг парламентларига, жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилигига муурожаатномаси тўғрисида»ги масалалар киритилди.

Турсунхўжа Искандаров 1945 йилда Урта Чирчик туманидаги Охундобоев номи ширкат хўжалигида турилган. Ёшлигидан техникага, деҳқончиликка қизиқгани учун Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига кириб ўқиган. Меҳнат фаолиятини Урта Чирчик туманидаги «Уртасарой» хўжалигида механик муҳандисликдан бошлаган. 1971 йилдан то ҳозирга қадар Навоий номи жамоа хўжалигида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу давр мобайнида у олдий муҳандисликдан катта жамоанинг раҳбари лавозимига бўлган йўли босиб ўтди.

Турсунхўжа Искандаров йирик хўжалиқни моҳирона бошқариш билан бир қаторда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси туман партия ташкилотининг котиби сифатида ҳам баракали фаолият кўрсатмоқда.

Турсунхўжа акани нафақа жамоат хўжалиги балки туман, ҳатто вилоят меҳнаткашлари яхши билишида, ҳурмат қилишда. У бу ҳурмат-эътиборга ҳалол меҳнати, касбига садоқати, билими, тажрибаси, энг асосийси одамлар ҳақида ғамхўрлиги тўғрисида эришган. Шу сабабли ҳам Турсунхўжа Искандаровни одамлар ўтган йил охирида бўлиб ўтган сайловда Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига ақидчилик билан сайлашди.

— Раисимиз деҳқончилик илминин ипидан игнасигада биладиган жуда эзгу мутахасис, — дейди хўжалик

санд холда, завқ-шаҳк билан ҳалол меҳнат қилишадиганини сезаман. Шу сабабдан ҳам Навоий номи жамоа хўжалигида деҳқончилик маданияти юксак даражада, техника етарли, хўжалик маркази ҳам, чекка қишлоқлар ҳам обод. Одамлар газ, ичимлик суви билан таъминланган. Меҳнатдан келган бойлик ҳисобига фаровон ҳаёт кечираяпти. Мана шу эзгу ишлар, юксалишлар бошида хўжалик раиси Турсунхўжа Искандаров турибди. Шунинг учун раиснинг аҳоли ўртасида ҳурмати балан.

Донолар дейдики, «Эй азиз, агар сен ўзгалардан яхшилик кўрай десанг фақат яхшилик қил!» Бу ҳақда шундай дейишган.

Дунёда топаин десанг омонлик,

сон. Шу сабабли ҳам «Адолат» СДП Кўий Чирчик туман Кенгашининг котиби сифатида ҳам катта ишларни амалга оширапти. У ижтимоий химояга муҳтож бўлган аҳоли қатламларини, айниқса, ўқитувчи, ширфокор, муҳандис-техниклар, хизматчилар, пенсияерлар, кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотганлар ва ногиронларнинг ҳаётини яхшилаш учун вақт билан ҳисоблашмай ишлаяпти.

Шунингдек Турсунхўжа Искандаров депутат сифатида одамлар меҳнатини муҳофаза қилиш, ишлайдиган аҳолининг ижтимоий химоси, ички ва ташқи меҳнат миграцияси, ишга жойлашишга муҳтож шахсларни иш билан таъминлаш

ЯХШИЛИКДАН БАРАКА ТОПГАН



Суратларда: партиядошларимизнинг бугунги фаолиятдан лавҳалар



Партиямиз фидойилари

Бу инсон ҳақида ким билан сўхбатлашмай ҳам-малари яхши, самимий фикрларни изҳор қилди-лар: «Уз касбининг жонкуяри, энг муҳими халк-парвар инсон», дея гуруҳланишди. «Хар қанча ёз-сангиз арзийди», дея ишонч билдиришди.

Китоб деҳқончилик саноати фирмаси идораси-да биринчи дуч келган кишимиз ёши олтишдан ошган онахон бўлди.

— Умридан барака топсин, — деди у мамнунлик билан, — қачон муаммо билан келсақ ёрдам қила-ди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ургилай, оилада жўжабирдай жонмиз. Катта ўғлимга ер уваткаси ажратишларини сўраб, тўри раис бувага муро-жаат қилдим. Уй-жой қуриш учун ер бериш у ки-шининг вазифаларига кирмаса ҳам «землямер»ни чақириб, ёрдам беришини тайинлади. Яна, ме-нинг ишимни ижобий ҳал қилганлиги ҳақида кеч-ки йиғилишда маълумот беришини ҳам уқтирди. Биз каби меҳнаткашларни раис буваимиз ҳур-мат қилади. Мартабалари илоб бундан ҳам улуг бўлсин...

Шу топда онахон дуога кўл очади. Узича раисни алқайди. Кўзларида эса севиноч ёшлари балқийди. Дарҳақиқат, меҳнатни роҳатда, роҳатни ҳаракат ва интилишда деб билган одамлар икки дунёда ҳам кам бўлмаганлар. Зеро, шундай фазилатли киши-лардан нуру-зиё таралиб, халқ ўртасида уларнинг обрў-эътиборлари кундан-кунга ортиб бораверди. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп.

Китоб туманидаги Китоб деҳқончилик саноати фир-маси бош директори За-рип Бурхонов ўз меҳнати, кўп кучи, тинимсиз ҳара-кат ва интилиш билан бахт топган инсонлардан биридир. Уч кам олтиш ёшга кирган бу одамнинг бутун умри фақат меҳнат, ҳаракат ва мақсад сари ти-нимсиз интилишдан иборат десак асло муболоға қилмаймиз. Зарип ака ўз умри давомида билим, меҳнат, тажриба бир-бири билан боғлиқ эканлигини эрта англаб етди. Шу ту-

нотлар қад ростлади. Зарип аканинг бевосита ташаббу-си билан 880 ўринли Хам-за номли, хар бири 320 ўринли Абдулла Набиев ва А.Умарий номли мактаб-лар, 5000 ўринли томоша-гоҳ қурилиб фойдаланиш-га топширилди. Мавжуд 10 та қишлоқ хонадонлари-нинг 9 тасида ҳозирги кун-да «Зангори олов» ёнмоқ-да. Бундан ташқари қиш-лоқларда 32 та маиший ҳо-ҳобчалари қад ростлади. Аҳолига 9 та тиббий му-ассасаси хизмат кўрсат-моқда. Фирма ҳудудида истиқомат қилаётган кам

лари сони 600 нафардан 3000 кишига ортди. Унлаб корхона, ташкилот ва муас-сасаларда партиянинг бош-ланғич бўғинлари тузилди. Зарип Бурхонов бошчили-гида партия фаоллари Хо-сият Жабборов, Дилором Аҳмедова, Абдували Муро-довларнинг жойларда амал-га ошираётган кенг тарғи-бот-ташвиқот ишлари ту-файли «Адолат»нинг обрўси ва нуфузи ортиб бораётти. — Туманимизда партия-мизнинг хайрихоҳлари жуда кўп, — дейди Зарип ака. —

та эришиш мумкин, деди У. Дарҳақиқат, Зарип Бур-хоновнинг хар бир жаба-ҳага ўз қарашини, ўз муно-сабати, ўз ҳаёт фалсафа-си бор. У бошлаган хайр-ли ишларни ижобий ҳал этиш учун кечани кўзига, кундузни юзига қарамайди. Халқ иши, партия иши учун кези келганда оромини ўйламайди. Шунинг учун ҳам у кўрағига ҳукумати-мизнинг «Эл-ўрт хурмати» орденини мағрур тақиб юрибди. Айни пайтда фир-ма бош директори бўлиш билан бирга Зарип Бурхо-нов Республика сазавот-полит экинлари, мева ва узумчиликни ривожланти-риш ҳамда уларни комп-лекс қайта ишлаш Кенга-ши раиси ҳамдир.


Биз унинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида яна кенгроқ тўхташмоқчи эдик. Аммо Зарип ака унамади. «Шу кеча-кундузда халқимиз газ, электр энергия таъ-миноти яхши эмаслиги-дан жуда қўяналяпти. Га-зетага ана шу муаммо-ларни ёритсангиз нур усти-га аёло нур бўларди», деди у ва партиямизнинг 10 йиллиги нишонланган кунларда қуйдаги дил изҳорини қўшимча қилди:

— Мен партиямиз таш-кил топанлигининг кулгу 10 йиллигини нишонлаёт-ган ушбу кунларда барча партиядошларимга сикат-саломатлик, «Адолат» тан-танаси йўлида ҳаракатла-рига омад тилайман. Илоё мустақиллигимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.

Комил САҲАТОВ, «Адолат» мухбири

Партиямизнинг 10 йиллик юбилейини ўз сафимизга 300 га яқин аъзо ва 800 нафардан ортиқроқ хайрихоҳларни бирлаштирган ҳолда нишонлашимиз.

САФЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМ



Уз фаолиятимизни 12 та бошланғич партия ташкило-тими оралиб олиб бориб, мамлакатимиз мустақилли-гини мустаҳкамлаш, қули давлатдан қули фуқаролик жа-миятига ўтиш ва пирова-ридада ўзбекистонни жа-ҳонда ривожланган мамла-катлар сафидан ўрин оли-шидек эғду ишларни амал-га оширишга йўналтирая-миз.

Шу билан бирга маҳал-ларда аҳолининг кам таъ-минланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этиш билан бирга уларнинг ман-фаатларини, ҳақ-ҳуқуқлари-ни туман ташкилотлари ол-дида ҳимоя қилишдек масъ-улиятли ишларини олиб бо-рялмиз.

Бу орқали партиямизнинг нуфузи, обрўси халқ ораси-да ошмоқда.

2004 йилнинг 26 декаб-рида Олий Мажлис Қонун-чилик палатасига ва маҳал-лий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда биз таж-риба ортирдик. Бошқача-си айтганда шу сиёсий жа-раёнлар биз учун катта мак-таб бўлди. Бундан кейин ҳам партиямизнинг борли-кини кўпроқ кириб халқ ишига унинг обрўсини мустаҳкам-лашга бор куч гайратимиз-ни сафарбар этаверамиз.

Толиб ТУРАЕВ, «Адолат» социал-демократик партияси Кибрай туман Кенгашининг биринчи котиби

ОЛЛОҲ ИНОЯТ ҚИЛГАН ТАДБИРКОР

файли у Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтига тахсил олди. Олийгоҳни тамомлаб ҳаётга йўлланма олар экан, энди у ўзининг халқ ҳўжали-ги билан бутунлай боғлиқ эканлигини, бундан бўёнги ҳаётга юртада фаровонликни таъминлаш, одамлар турму-шини кўтаришга озми-кўпми хисса қўшишдан иборатли-гини тўла ҳис этди. Нафис-ламбирини айтганда у бун-га эришди ҳам.

Зарип Бурхонов 1995 йили фирмага раҳбар этиб тайинлангандан сўнг барча соҳалар тараққиётга юз бур-ди. Айниқса, деҳқончилик экинлари ҳосилдорлиги кес-кин оширилди. Илг қайин тадбиркорлик эвазига олин-ган даромад ҳисобидан унлаб маданий-маиший би-

даромадли оилаларни иж-тимоий ҳимоя қилиш ҳам намунали йўлга қўйилган. Биргина жорий йилнинг ўтган ойларига шундай оилаларга 720 миң сумлик моддий ёрдам кўрсатилди. Фирма 2004 йили 88263 миң сўм соф фойда билан якунлади.

Дарвоқе, Зарип ака на-фақат қишлоқ ҳўжалик иш-лаб чиқаришида балки, иж-тимоий-сиёсий соҳада ҳам фаол иш олиб бораётган-лардан бири. У бир неча йилдан бўён ўзбекистон «Адолат» социал-демокра-тик партияси Китоб туман Кенгашининг биринчи коти-би сифатида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Зарип ака ту-мандан етакчи этиб сайлан-гандан сўнг партия аъзо-

Бунга ўтган сайловлардан ҳам билса бўлади. Масал-ан, ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-чилик палатасига партия-миз томонидан кўрсатилган номзодни халқимиз бир овоздан сайлади. Мен ўзим ҳам халқ депутатлари вило-ят Кенгашига сайландим. Зарип аканинг мўъжаз-гина ишонасиде анчагина сўхбатлашдик. Унинг айти-шини, ҳамма жойда парти-янинг мақбени кўтариш энг аввало кадрлар қули-да экан. Улар партиянинг халқчил Дастируни кенг ҳалқ оммасига кенгроқ ту-шинтирсалар, айниқса, иж-тимоий соҳадаги муаммо-ларни бартараф этишда со-битқадам бўлсалар кўзланган мақсадга албат-

Фаолларимиз

ЭЛ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН

Хар бир инсон ўзи кўнгили кўйган касбга эришиш учун серма-шаққат йўлларни босиб ўтади, орзусига етишга асдойдил ҳара-кат қилади. Ва бир кунги ўз ниятларига эришиб, атрофдагиларга ҳам нафи тегади.

Жуманиёз ака билан сўхбатда бўлганларнинг ишчан, талаб-чан, самимий ва тадбиркор инсон эканлигини дарров илғаб ола-ди. Саховатпешалиги ҳақида тўқиланиб гапиряшди. Бу фидои-ий инсон мустақиллигимизнинг илк йилларида қўйган иш-билармонлиги ва тадбиркорлиги билан бозор шароитида иш юритишининг уқувини олди. Шунинг учун ҳам ишлари юрйиш кетди.

Самарқандда Жуманиёз Алибе-ков ҳақида тадбиркорларга, маъ-навият ва маърифат ишларига, спортга, саховат излаётганларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам берибди деган дув-дув га-пларни эшитасиз. Бунга эшитиб ҳамма барака топсин, ишлари юри-шаверсин, деди. Қаҳрамонимиз-нинг фикри-зикири битта: «Яхшилик қил, дарёга ташла, балик билар, балик билмаса халқ билар». Ота-онасидан олган дуоларини эл тўдираяпти. Жуманиёз ака даст-лаб меҳнат фаолиятини Самарқ-анд Давлат архитектура ва қури-лиш олийгоҳи темир-бетон ва тош

конструкциялар кафедрасида ассисент-ликдан бошлаб, ҳозирги кунда «Самар-қанд АЛЖ» концерни раиси дараҳасига етди. 1999 йилдан бўён «Адолат» СДПнинг Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи котиби. Ишбилармон ва тад-биркорлиги боис, мамлакатимиздан та-шқари Хитой, Белорусия, Россия, Гер-мания, Афғонистон, Туркменистон, Ко-зоғистон каби мамлакатлар билан ҳам-корликда иш олиб бораёпти. «Самарқ-анд автогаз» корхонаси 2004 йилда йи-гирмадан ортиқ корхона ва ташкилот-ларга ҳомийлик қилиб, 12,3 миллион сўмликдан зиёд ёрдам кўрсатди. Жума-ниёз ака тадбиркорликда тинимсиз из-ланиб Япония, Хитой, Ветнам, Корея,

жуманиёз Алибеков ҳозирда «Са-марқанд АЛЖ» автогаз корхонасини бошқариш билан бирга ўзига 20314 нафар аъзони бирлаштирган вило-ят партия Кенгашига бошчилик қил-моқда. 545 та бошланғич партия ташкилотининг хар бир тадбирида фаол иштирок этмоқда.

Самарқандда Жуманиёз аканинг сафдошлари кам эмас. Уз ҳаётини орт тақдир билан боғлаган бун-дай инсонлар эл назарига тушиб, кўпчиликнинг дуосини олмақдалар. Зеро, халқимизнинг «Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми!» деган пурмаёно ҳикмати бежизга айтил-маган.

Олим ҲАКИМОВ, «Адолат» мухбири

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

2005 йил мамлакатимиз ҳаётида муҳим сана-ларга бойлиги билан ажралиб туради. Улардан бири мамлакатимизда икки палатали парламент тизимининг ташкил топанлиғидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демок-ратик жараёнларни тобора эркинлашуви ўтган сайловларда ўзини тўла намойн қилди. Бу эса республикаимизда ҳур фикрликнинг қарор топи-ши, мустақил давлатимизнинг ҳаётида демокра-тик тамойилларни тобора чуқурлашуви, фуқаро-ларимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий онгини ўсиши, шаклланиши, тарбияланиши босқичма-босқич амалга оширилаётганидан дарақдир. Айниқса, сайловларнинг катта кўтаринки руҳ билан ўтқа-зилгани бунинг исботидир.

та бу эғду ниятларда гап кўп. Утган сайловлар ҳушёр-лигимизни оширди. Биз учун катта мақсад, доно муаллим вазифасини ўта-ди. Сайловлардан ўзим-изга тегишли хулосалар чиқариб олдик. Олиб бо-раётган ишларимизда туб бурилиш қилишимизга туртки бўлди.

Бугунги кунга келиб вилоятимизда партиямиз аъзоларининг сони икки миң нафардан ошди. Си-фат жиҳатидан сиёсий билимдон ишлар сафи-мизда кўпаймоқда. Яқинда вилоят партия Кенгашиимиз фаоллари муҳтарам Юртбошимиз-нинг ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма маж-лисидаги маърузаси юзасидан йиғилиш ўтқа-

зиб, унинг мазмун ва мо-ҳиятини дилчимизга жо қилдик. Бундай йиғилиш-ларни туман партия Кен-гашларида ҳам олиб бор-дик.

Халқ билан сўхбатлар жараёнида шу нарса кўзга ташландики, агар биз бир ёқадан бош чиқариб, ол-кама-ёлка бўлиб, давлати-миз раҳбарининг олиб бо-раётган одил сиёсатини қўллаб қувватлаган ҳолда иш олиб бурсак, сиёсат майдонига уюшқок бўлсақ, мамлакатимизни янада та-раққий этиб, кескин ри-вожланишини жадаллаш-тирган бўлаемиз. Зеро бу, давр талаби, ҳаёт тақозо-си ҳамдир.

Ҳасан ҚУЗИЕВ, ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилоят Кенгашининг биринчи котиби



Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 10 йиллик солномаси

(Давоми. Боши 2-бетда)

2002 йил Декабрь. Самарқандда «Адолат» СДП вилоят Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда республика Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида Президент Исом Каримовнинг «Ўзбекистонда демок-ратик ўзгаришларни янада чуқурлашти-риш ва фуқаролик жамяти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишла-ри тўғрисида»ги маърузаси ҳамда «Адо-лат» СДП Сиёсий Кенгашининг плену-ми қарори юзасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

2003 йил Март. Парламент сайловларига ҳар томонлама тайёргарлик қўриш ва етук номзодларни танлаш жараёни юзаси-дан «Адолат» СДПнинг Андижон вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Июнь. Вилоятларда Ўзбекистон Рес-публикасининг «Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлисига сайлов тўғриси-да»ги Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси-га доир йиғилишлар бўлиб ўтди. Хусу-сан, «Адолат» СДПнинг Андижон вилоят Кенгаши, Бухоро вилоят Кенгаши ва Самарқанд вилоят Кенгашларида ва унинг бошланғич ташкилотларида бу муҳим ҳужжат ўрганилиб, зарур тақлиф-лар билдирилди.

Август. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг парламентдаги де-путатлар фракцияси аъзолари билан партия фаоллари иштирокида кенгай-тирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

25 декабрь кунги Ўзбекистон «Адо-лат» социал-демократик партияси Сиё-сий Кенгашининг XI пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари кун тартибига киритилган «Иккинчи қақриқ Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессиясида яқунлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон «Адолат» социал-демокра-тик партияси барча бўғиндаги партия ташкилотларида ҳисобот-сўйлов маж-лислари ва конференцияларини ўтқа-зиш тўғрисида»ги «Ўзбекистон «Адо-лат» социал-демократик партияси Қорақал-поғистон Республикаси, Тошкент ша-ҳри ва вилоят Кенгашларининг Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлиси де-путатлигига ва маҳаллий давлат ҳокимия-ти вакиллик органлари тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш депутатлиги-га тадбирлар режаси тўғрисида»ги ма-салаларни қизгин муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг янги таҳрирдаги Низомини ишлаб чиқиш, сайловолди дастурини тайёрлаш, партия ташкилотлари ҳисобот-сўйлов йиғилишлари ва конференцияларини ўтказиш ҳамда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутат-лигига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига бўла-диган сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ-лари тузилди.

2004 йил Январь. «Адолат» СДПнинг Ёшлар Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ёшлар Кенгаши раиси Ни-зомиддин Нурматов йиғилганлар эъти-борини олдинда турган вазифаларга қаратди. Жойларда Кенгаш ишларини жадаллаштириш ва бунинг учун барча амалий чораларни қўриш зарурлиги му-ҳокама қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши қароргоҳида партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунў-лат Даминов Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Фарит Мухаметшини қабул қил-ди.

Мазкур учрашув чоғида икки мамла-кат ўртасидаги ҳамкорликнинг шароф-ати билан ҳукуматларо қилинган иш-лар алоҳида эътироф этилиб, фикрлар билдирилди. Ҳамда иккала давлатнинг парламентларо ҳамкорлигини йўлга қўйиш билан биргаликда партияларо ҳамкорлик масалалари юзасидан муло-ҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши қароргоҳида Европада ҳаф-тизлик ва ҳамкорлик ташкилоти — ЕХҲТ-нинг Тошкентдаги Маркази вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув чоғида «Адолат» СДП Сиё-сий Кенгаши биринчи котиби Турғунў-лат Даминов ЕХҲТнинг Тошкентдаги мар-кази сиёсий маслаҳатчиси Мари-Карин фон Гумпенбергер хоним ва унинг асис-сенти Фарход Толиповни партиянинг мақсад ва вазифалари, ташкилий тар-киби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий давлат ҳокимия-ти вакиллик органларига бўладиган сай-ловларга тайёргарлик ишлари билан та-ништирди.

«Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдаги ўнинчи пленуми-да ҳисобот-сўйлов конференцияларини партия ташкилотларида уюшқоқлик бил-ан ўтказиш ва партия ташкилоти икки палатали парламент маҳаллий кенгаш-ларга сайлов арафасида яна бир бор ўзига ҳос сиёсий синовдан ўтажақлиги таъкидланди.

Апрель. «Адолат» СДП Бухоро вило-ят Кенгашининг Тошкент шаҳри ва Бу-хоро вилоятининг Ромитан туманида террорчиларнинг жинояткорона ҳаракат-

лари билан рўй берган мудҳиш воқеа-ларни қаттиқ қоралаб, бунда ҳаммани, шунингдек, партия аъзоларини жиҳс-ликка ва бирдамликка чақирувчи кен-гайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

«Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кен-гаши ҳомийлигида «Меҳр-мурувват йи-ли»га бағишлаб Тошкент вилоятининг болалар касалликлари бўйича Реаби-литация марказида маданий тадбир ўтказилди.

Май. Тошкентда «Сайлов кампания-сида аёллар омили» мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди. У фуқаролик жа-миятини ўрганиш институтининг «Пар-ламентаризм ва сайлов тизими муам-молари» лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Анжуманда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби, Олий Мажлис депу-тати Дилором Тошмухамедова нутқ сўзлади.

«Адолат» СДПнинг Сиёсий Кенгаши-да фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Президентимиз Исом Каримовнинг сўзлаган нутқи ва партиянинг сайловолди тадбирларига қаратилди.

Республика эстрада-цирк коллежи-да «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кен-гаши котибларининг коллеж талабалари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учра-шув Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги Президент И-сом Каримовнинг нутқидан келиб чи-қадиган вазифалар мавзусига бағиш-ланди.

Ўзбекистон Миллий Университети-нинг маданият сарайида «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг котиби, Олий Мажлис депутати Дилором Тошмухамедованин сайловчилар билан учра-шуви бўлиб ўтди.

Унда асосий эътибор Олий Мажлис-нинг ўн тўртинчи сессиясида Прези-дентимизнинг «Ватанимизнинг тинчли-ги ва ҳафсизлиги» ўз куч-қудратимиз-га, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва бу-килмас иродасига боғлиқ» мавзусида-ги нутқига қаратилди.

Июнь. «Адолат» СДП ташаббуси бил-ан Тошкент шаҳрининг Акмал Икро-мов туманида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунги муносабати билан ўтказилган тантананда «Адолат» соци-ал-демократик партияси Сиёсий Кен-гаши котиби, Олий Мажлис депутати, «Фармед» хусусий фирмаси раҳбари Дилором Тошмухамедованин хомийли-гида 200 нафардан зиёд кам таъмин-ланган оилаларнинг фарзандларига, етим-есир болаларга совға-саломлар улашилди.

«Адолат» СДП Сирдарё вилоят Кен-гаши «Сирдарётран» бирлашмаси бил-ан биргаликда Мирзаобод туман Бо-лалар уйида «Меҳр-мурувват» йилга моддий ёрдам кўрсатилиб, болаларга кийм-кечақлар ва совғалар улашилди.

«Адолат» СДП Сирдарё вилоят Кен-гаши Бобўт туманидаги 150-автожам-ланмада «Сиз Қонун ва Конституция-сини биласизми?» мавзусида давра сўхбати ўтказилди. Вилоят партия Кен-гашининг иккинчи котиби Баҳодир Тур-сунқулов бошчилигида ўтказилган бу тадбирда партия аъзолари ва ҳуқуқшу-нос олимлар иштирок эттишди.

Республика Марказий сайлов комис-сиясининг қарорига асосан — 2004 йил 20 сентябрдан сайлов кампанияси бош-ланди. Шу муносабат билан «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашида партия фаол-лари йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Сиёсий Кенгаш раҳбар, акаде-мик Турғунўлат Даминов маъруза қилиб, Республика Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 15 сентябр-да «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошлани-ши эълон қилиш тўғрисида»ги қарори юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Унда Марказий сайлов ко-миссиясининг мазкур қарори ўта дол-зарблиги ва ушбу қарорга асосан фа-оллар партиянинг сайловолди дасту-рини тарғиб этиш ишларини йўлга қўйиши лозимлиги ўқтириб ўтилди.

30 октябрь кунги бўлиб ўтган Ўзбе-кистон «Адолат» СДПнинг III Қурултай-ида партиянинг ўтган беш йил даво-мидаги фаолияти, бугунги кунда олиб бораётган ишлари, партиянинг Сайло-волди дастури, сайлов кампаниясида-ги иштироки билан бирга партия Да-стури ва Низомига ўзгаришлар кир-итиш, Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни тасдиқлаш каби қатор му-ҳим масалалар қўриб чиқилди.

2005 йил 24 январь кунги Тошкентда Ўзбеки-стон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши-нинг II Пленуми бўлиб ўтди. Унда таш-килий масала қўрилди.

Унда Сиёсий Кенгаш котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу-тати Дилором Тошмухамедова Ўзбеки-стон «Адолат» социал-демократик парти-яси Сиёсий Кенгашининг биринчи ко-тиби этиб сайланди.

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Бундан ярим йиллар муқаддам республика-мизнинг чекка ҳудудларидан бирида бўлар эканми, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашаётган бир ҳамюртимиз унинг иши билан сансалорларча муносабатда бўлган масъул шахсга шундай дейётганини эшитиб қолдим:



— Сизларнинг устин-гиздан «Адолат»чиларга шикоят қилиш керак. Ушлар танобларингизни тортиб қўйди...
Бу сўзларда оддий фуқаронинг «Адолат» партиясига, унинг нашри бўлиши «Адолат» газетасига ишончи, хурмати яққол сезилиб турарди.
Хозирга келиб жамиятимизда ўз нуфузига эга бўлган мазкур партиясининг, шунингдек партиясининг газетасининг ўн йиллиги нишонланаётди. Ўн йил — бу инсоният тарихида

кисқа муддат. Лекин биз учун мана шу давр жуда-жуда мазмундор бўлди. Газетанинг мазкур сониде партиясининг фаолияти ҳақида албатта гапирилади. Мен эсам ўзим кўп йиллар ишлаган, ҳозир ҳам ижодий ҳамкорлик қилиб турган сеvimли «Адолат» газетаси ҳақида сўз юритмоқчиман.
Халқимизда «Исми жисмига монанд» деган нақл бор. «Адолат» газетаси ҳақида сўз кетар

мобайнида газета истибодод зулми туфайли чанг босган тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини халқимизга тортиқ қилиш, у ёки бу сабабли ноҳақликдан, ҳақиқатнинг эгилли-шидан қадди дол бўлган кишиларга яқиндан ёрдам бериш, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва бошқа шу каби ишлар юзасидан катта вазифаларни амалга оширишди. Газетанинг ижодий жамоаси, бир сўз билан айтганда, юртдошларимиз дардига маълум бўлди. Уларнинг ўз юр-ғидаги гапларини ишониб оқиқ айтишлари мумкин бўлган ҳамфикрларига айланди.
«Адолат» газетаси ҳозир навқирон ёшда. Га-

зета халқимизга ҳали кўп хизмат қилади.
Қадим дунё файласуфларидан бири Цицерон шундай деган эди: «Адолатнинг иккита бош манабу мавжуд: биринчидан, ҳеч бир кимсга зиён етказмаслик керак ва иккинчидан, жамиятга наф келтириш зарур». «Адолат»чилар, менимча, мана шу таъомилга содиқ қолганлари ҳолда халқ меҳр-муҳаббатини қозона олаётлар, элга чин дилдан хизмат қилаётлар, зотан бошқа бир донишманд айтгани каби, фақат инсонни севиш орқалигина адолатпарвар бўлиш мумкин.

Қодиржон СОБИРОВ,
публицист.

Суратда: «Адолат» газетасининг ижодий ходимларидан бир гуруҳи — Бош муҳаррир ўринбосари Каримжон Рихсиев, Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Рустам Аҳмадалиев ва бўлим мудири Бахтиёр Тошназаров.

Спорт оламида МУҲАММАДҚОДИРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Кейинги вақтда бир қатор «чарм қўлқоп» усталарининг профессионал боксда ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишаёпти. Жумладан, ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам ўрта ярим вазн тоифасида профессионал рингдаги зафарли олимидини давом эттирмакда. Хабарингиз бор, у ўтган йилнинг 10 апрелида Лас-Вегас (АҚШ)да Жесси Фелисианони енгиб, WBO йўналиши бўйича китъаларо чемпионлик унвонига сазовор бўлган.

Куни кеча яна бир хушxabар олдик. Муҳаммадқодир Абдуллаев сешанба оқшомида Штутгарт (Германия)да уюштирилган навбатдаги учрашувда ҳам муносиб катнашиб, китъаларо олтин камарини ўзида сақлаб қолди. Иқтидорли боксчимизнинг бу галги рақиби аргентиналик Хуан Альберто Годой бўлди. Ийгирига беш ёшли Хуан Альберто мазкур учрашувга 21 жанг ўтказиб, уларнинг 15 тасини ўз фойдасига ҳал қилган. Эйтиборли жиҳати, вақимизнинг рақиби ўтказган жангларнинг йигирматасини ўзи туғилиб ўсган юрт — Аргентинада бўлиб ўтган. Хуан Альберто илк маротаба ўзга китъада голиблик учун рингга чиқди.

Сўнги пайтда германиялик Фриц Эдунек мураббийлигида машғулотлар ўтказётган Муҳаммадқодир Абдуллаев учун эса бу ўн олтинчи учрашув эди. Ўтган вақт мобайнида тасодиқ туфайли бир маротаба мағлубиятга учраган ҳамюртимиз аргентиналик боксчига қарши муносабат ҳозирлик қўрди. Маҳорат ва тажриба бобида муносабат эътиборига сазовор бўлган вақимиз жангнинг дастлабки дақиқаларидан бошлаб катта устунликка эришиб, Годойни анча саросимага солиб қўйди. Тулиқ ташаббусни қўлга киритган боксчимиз ўзининг раунднинг сўнги дақиқаларида кетма-кет зарбалар берди. Муҳаммадқодирнинг кучли зарбаларини ўтказиб юборган аргентиналик боксчи Хуан Альберто нокаутга учради.
WBO йўналиши бўйича китъаларо олтин камарни муваффақиятли җимоя қилган Муҳаммадқодир Абдуллаев профессионал рингдаги ғалабалари сонини ўн бештага етказди.

Эркин ХОЛБОБОВ

РОНАЛЬДО УЙЛАНДИ

Мадриднинг «Реал» клуби ҳужумчиси, бразилиялик Рональдо таниқли моделер Даниэл Чикарелли билан никоҳдан ўтганлигидан хабарингиз бор. «Сўйлоқ тиш» ўзининг янги никоҳини Париждаги ўрта асрда бунёд этилган Шантийи қасрида дустлари билан нишонлади.
«Севилжанлар куни»да уюштирилган тантананага 250 нафардан зиёд меҳмон таширф бўюди. Аммо аjoyиб оқшом Рональдонинг энг яқин дустлари — Зидан, Бекхэм, Рауларсиз ўтди. Чунки уларнинг Парижга таширф бўюришига Барселонада сешанба куни Шантйи Осиёда ўз берган цунами қурбонлари хотира-сига бағишлаб юз катта хайрия учрашуви йўл бермади.

Рональдо қаср ижараси учун 20 минг евро тўлаган бўлса, бошқа харажатлар 27,5 минг еврони ташкил этиди. Тантана қатнашчилари ички тартибларга катъий амал қилиб, қаср ичида сигарета чекишмади, рақс тушмадилар.

ГУДЬОНСЕН ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Англия премьер-лигаси пешқадамли Лондоннинг «Челси» жамоаси ҳужумчиси, исландиялик Эйдур Гудьонсенга клуб маъмурияти 60 минг фунт стерлинг миқдорда жарима солди, дея хабар қилади France Press.

Бунга 26 ёшли футболчининг ўтган яқшанба эрталаб соат беш яримда Лондон атрофидаги шаҳарчада маст ҳолда рул бошқариб кетаётган чоғида полиция томонидан ушланганлиги сабаб бўлди. Қон таҳлили Эйдурнинг ҳеч қандай жавобгарликка тортиш шарт эмаслигини кўрсатса-да, клуб ўз қарориде катъий туриб олди. Чунки, жамоадаги «темир» интизом барча учун бир хил. Футболчиларнинг тунги иккидан сўнг ўз хоналариде ором олишлари шарт қилиб қўйилган.

Африканинг энг яхши ўйинчиси

Африка футбол Конфедерация ўтган йил якуна-лари бўйича йилнинг энг яхши футболчиси номи-ни эълон қилди.
Унга кўра, Испаниянинг «Барселона» ва Камерун терма жамоалари ҳужумчиси Самуэль Этоо кетма-кет иккинчи маротаба «Йилнинг энг яхши ўйинчиси» деб топилди. Хозирда Европа клубларида тўп сураётган котд дуарлик Дидье Дрогба, нигериялик Жей-Жей Око-чалар мазкур номинация бўйича иккинчи ва учинчи погоналарни банд этишди.

Интернет хабарлари асосида
Мунаввар МАРҚАЕВА тайёрлади

Фаргона шахридаги санъат коллежиде мусика ва санъат мактаблари ўқувчи ёшлари иштироки- да Муҳиддин Рорйқубов номидеги Республика қўриқ-танловининг вилоят босқичига яқун ясалди.

Танловда вилоятда фао-лият кўрсатётган 29 та му-сика ва санъат мактаблари-
да тарбияланаётган юзлаб
ижрочилар Ўзбек халқ
чолгу созлари, созанда, хо-
нандачилик, боян, окарди-
он, созлари ижроси ораси-
да ўз маҳоратларини на-
моийш этишди. Ғоят қизи-
қарли ва муросасиз баск-

ИҚТИДОРЛАР ТАНЛОВИ


ларга бой бўлган танловда
15 нафар ёш санъат гуна-
члари сараланиб қўриқ-тан-
ловнинг республика босқи-
чида иштирок этиш имко-
ниятига эга бўлди.

Айниқса, Фаргона шахри-
даги биринчи мусика ва
симфония мактаби тинглов-
чиси Феруза Махмудова-
нинг дутор сози чалишдаги
маҳорати, 17-мусика мактаб
ўқувчиси Сардор Назаров-
нинг рубоб-прима созанда-
чилигига, қўқонлик Дилшод
Хамидовнинг ғижжак сози,
ёзёвонлик Нодира Қосимо-
ванинг қўшиқчилик бораси-
даги ўзига хос чиқишлари
мутахассислар томонидан
муносиб баҳоланди.

Кечки пайт Андижон вилоят наркологи-
я диспансерига қарақт ҳолида бир йигит келтирил-
ди. Ранги доқаддай оқарган, олиб ва бурни
қўқимтир, ўқтин-ўқтин нафас олишидан гиёҳ-
ванд моддани меъёридан ошириб қабул қил-
ганлиги кўриниб турарди. У Андижон шаҳри-
даги Тожик маҳалласида пахса деворига суя-
ганича ҳушсиз ўтирганда танишлари кўриб
қолишибди.
Навбатчи нарколог-врач бундай ҳолатда
гиёҳвандларнинг қон босими кескин пасайиб
ке-тишини яхши биларди, дастлабки тиббий му-
олажалар қилинди, йигит ҳушига келди. Аммо
аҳволи оғир эди. Тез ёрдамга вилоят шоши-
линч тиббий ёрдам марказига олиб кетилди.
Шифокорлар аранг уни ўлим чангалидан қут-
қариб қолдилар.

Йигитнинг номини сир
тутишни лозим топдик.
Зеро, у энди 25 ёшга кир-
ган, наркология диспансе-
рида зарур муолажалар-
дан сўнг соғайиб гиёҳванд
моддаларни бошқа қабул
қилмасликка аҳд қилди.
Бироқ қора дори ҳукмига
кириб қолганлар бу боши
берк кўчуга қайтмасликка
ўзида куч ва ирода топи-
ши ғоят мушкул. Унга жуда
яқин кишилари, шифокор-
лар ёрдам беришлари ке-
рак.

Бемор соғайгандан сўнг
у 5 йил давомида нарко-
логия диспансери шифо-
корлари назоратида бўл-
ди. Диспансер шу кунгача
989 кишини гиёҳванд мод-
даларни қабул қилганлар
сифатида рўйхатга олган.
— Диспансеримизда
«Ишонч» пинҳона текши-
риш хонаси бор, — дейди
бош врач Улугбек Матка-
римов. — Бу ерга ўз дар-
дини айтиб келганларнинг
кимлиги ошкор этилмайди.
Керакли маслаҳатлар бе-
рилади, тиббий муолажа-
лар кўрсатилади. Зарур



Саида Ҳақимова «Адолат» СДПнинг ишчан аёл-
ларидан. У Чилонзор туман партия Кенгаши қоз-
даги «Аёллар қаноти»ни бошқариб келмоқда.
Суратда: Саида Ҳақимова тумандаги дизайн
мактаби ўқувчилари билан
Қозим Улмасов олган суратлар

фаол иш олиб боришяпти.
Андижон шаҳри 4 та катта
худудларга ажратилган
бўлиб, врач-нарколог ўрта
тиббий ходим билан жой-
ларда гиёҳвандликка ча-
линганларни назорат қила-
ди, наркоманияга қарши
тарғибот ишлари олиб бо-
ради. Энг оғир 4-худудга
энг тажрибали врач-нарко-
лог Марина Ҳасанова ва
гайратли ҳамшира Мукар-
рамхон Омриқуллова бирик-
тирилган. Афсуски, гиёҳ-
вандликка чалинганлар-
нинг аксариятини ёшлар
ташкил этади ва уларни
соғлом турмушга қайтариш

БОШИ БЕРК КЎЧА

бўлса шифохонада даво-
ланадилар. Шунга айтиб
ўтиш керакки, бизда тиб-
бий муолажа, ётоқ, овқат
давлат ҳисобидан.
«Ишонч» пинҳона текши-
риш хонаси узлуксиз.
Вилоятимизда ОИТСни
юқтириб олганларнинг де-
ляри ҳаммаси гиёҳвандлик
туфайлидир. Бир шприц
орқали бир нечтасининг
героин қабул қилишлари
юқумли касалликларни
тарқатишига олиб ке-
ляпти. Гиёҳвандлар ора-
сида сил касаллигига уч-
раганлар ҳам кўзга таш-
ланаёпти. Вилоятимизнинг
барча шаҳар ва туманла-
рида диспансерларимиз-
нинг гиёҳвандликка қарши
кураш хоналари мавжуд.
Уларнинг ҳар бирида нар-
колог врач ва фельдшер

Хар бир инсоннинг бу дунёда ўзига яраша орзу ва умидлари бўлади. Уларни амалга ошириш учун кечани-кеча, кундузини-кундуз демаят меҳнат қилади, доимо интилиш ва изланишда бўлади. Мен ҳам узоқ йиллар давомида мактабда оддий ўқитувчилик қил-дим. Нолимайман, бу даврда оилавий ҳаётим ёмон келмади. Вояга етиб қолган фарзандларимни уйли-жойли қилдим.

Бу орада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётда туб ўзгаришлар бўлди. Серкўёш Ўзбекистонимиз муста-қилликка эришди. Одамларга бурунгидай бировнинг қўлига қараб яшамай ишбилармонлик ва тadbиркорлик билан шуғулланишга кенг имкониятлар яратиб берилди бош-ланди. Айниқса, муҳтарам Президентимиз Ислам Қари-мов ташаббуси билан марказдан олисда жойлашган қиш-

ГАЗЕТА ТУФАЙЛИ ФЕРМЕР БЎЛДИМ

лоқларда деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ташкил этиш, бу орқали кишлоқ одамларини иш билан таъминлаш дав-лат сиёсати даражасига кўтарилди. Мен ҳам оддий ўқитув-чиликдан пенсияга чиққач, ҳўжалигимиз худудидан 10 гек-тар ер олиб фермер бўлишга, бу билан ҳам оиламнинг қора қозонини қайнатишни, ҳам жамиятимизнинг ривож-ланишига ўзимни муносиб ҳиссамни қўшишни режалаш-тирдим.

Хуллас, ўзим умргузaronлик қилаётган Самарқанд ви-лояти, Пастдарғом тумани, С. Маллаев номи ширкат ҳўжалиги худудидан югур-югур қилиб, 2001 йилнинг 14 ноябрида туман ҳўқими қарорига асосан «Шаҳобиддин» фермер ҳўжалигини ташкил этдим. Қарорда менга сугу-риладиган 10 гектар ер ажратилиши тўғрисида аниқ-тин-киқ қилиб белгилаб қўйилди.

Бу орада Пастдарғом туман ҳўқими ҳам, С. Маллаев ширкат ҳўжалиги раиси ҳам ўзгарди. Ана шундан сўнг меннинг ва оиламнинг бошига қора кунлар бошланди. Ҳўжа-лигимиз янги раиси А. Алимовнинг тўнини «тескари» қий-иб олганлиги учун вилоятда борманган идорам, шикоят қилмаган ташкилот қолмади, ҳисоб. Вилоятда нуфузли мавқега эга — Адлия бошқармаси ҳам мени манфаатим-ни кўзлаб туман ҳўқими А. Ҳўраев ва ҳўжалигимиз раиси А. Алимовларга бир неча бор оғоҳномалар киритди. Ҳатто ҳўжалигимиз раиси А. Алимов ва ҳўжалик ер тузувчиси А. Қаршиевни судга берди. Суд менга етказилган маъна-вий зарар учун уларнинг ҳар биридан 10 минг сўмдан пул ва ноқонуний тортиб олинган ер майдонини олиб бериш ҳақида қарор чиқарди. Отдан тушса ҳам эгардан тушмай-диган ҳўжалигимиз раиси фуқаролик ишлари бўйича Па-стдарғом туманларо судининг мазкур қарорини назар-писанд қилмай, туман мутасаддилари билан келишган ҳолда қарорда кўрсатилган 10 гектар ер ўрнига фойдала-нишга яроқсиз 5 гектар ўнқир-чўнқир ерни ажратиб бер-ди...

Нима бўлганда ҳам барибир адолат қарор топиши тайин экан. Республикаимиздаги нуфузли нашрлар-дан бири «Адолат» газетасининг 2004 йил 16 апрель сониде айна мана шу муаммоларга доир «Қа-рор билан муҳр бор-у ер йўқ» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Мақоладан сўнг тез кунлар ичида туман ва вилоят му-тасадди раҳбарлари келиб «Шаҳобиддин» фермер ҳўжа-лигига ажратилган ер майдонини ўлчаб беришди. Айни пайтда адолат йўлида халқимиз хизматига шай «Адолат» газетаси ташкил этилганга 10 йил тўяпти. Биз оддий фуқаролар наздида 10 йил ниятда қисқа давр. Шунга қарамаздан газета жамоаси мамлакатимизда қонун усти-ворлигини таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаятганлигини менинг мисолим ҳам кўрсатиб ту-рибди. Мен «Адолат» газетаси кашф этган фермер сифа-тида тахририят жамоасига келгуси ишларида омад, ижо-дий барқомоллик тилайман.

Эргаш НОРМУРОВО,
Пастдарғом тумани
«Шаҳобиддин» фермер
ҳўжалиги раҳбари

Оғусиз дунё сари

энг яқин кишилари ҳам
ёқтирмайдилар, улардан
кўрқадилар. Бизда давола-
ниб чиққанлар баъзи
ҳолатларда бошпанасиз,
гиссиз қолганликлари учун
ўзларини қаерга қўйишни
билмайдилар. Агар бундай
пайтда уларни кимдир
қўллаб-қувватламаса жино-
ятга қўл уришлари, яна ги-
ёҳвандликка руку қўйишла-
ри шубҳасиз.
Диспансеримизда улар-
га ёрдам кўрсатиш учун чо-
ралар қидириямиз. Аммо

бошлиғи подполковник На-
римон Ҳўрабоев раҳбарли-
гидеги оғуғурушларни
аниқлаш ва уларни жиний
жавобгарликка тортиш, ги-
ёҳвандликнинг томирига
болта уриш учун кенг миқ-
ёсли ишлар олиб бориля-
пти. Яқинда Тожик маҳалла-
сида героин сотувчи икки
маҳфий жой фох этилди
ва айбдорлар жиний жи-
вобгарликка тортилди.

Кейинги 3-4 ой ичида
наркотик моддалар таъси-
ридан чиқа олишмаётган
ва маҳалла, қариндош-
уруғларини безор қилган
28 киши мажбурий давола-
ниш учун юборилди.

Андижон наркоманияга
қарши кураш бўйича катта
базага эга. Андижон Дав-
лат тиббиёт институтининг
наркомания ва психопат-
алогия кафедраси республи-
ликада катта нуфузга эга.
Унга профессор М. Агра-
новский раҳбарлик қилади.
Вилоят наркология диспан-
сери Ўзбекистон Соғлиқни
саклаш вазирининг буйруғи
билан Фаргона водийсида
илмий-услубий марказ
қилиб белгиланган. Бу кат-
та имкониятдан самарали
фойдаланиб, ёшларни
боши берк кўчуга олиб ки-
раётган, уларни маънавий
тубанлашиб, турли бедаво
дардга чапинишларидек
ҳолатларга сабаб бўлаёт-
ган гиёҳвандликка қарши
илмий асосда курашишни
янада кучайтириш кенг жа-
моатчиликнинг умумий
ишига айланиши керак.

Тўлқин СИДДИК

ЯНГИ ТАНЛОВ

Ўзбекистон Хотин-қиз-
лар қўмитаси мамлака-
симиз аёлларининг ну-
фузини, уларнинг жами-
ят ҳаётида тугган ўрни-
ни мустаҳкамлаш ва
уларнинг юртимизда ке-
чятган демократик жа-
раёнлардаги иштирокини
кучайтириш, аёлларни
эъозлаш ва улуғлаш
мақсадида оммавий фа-
борот воситаларида аёл-
лият юрттаётган ижод-
корлар ўртасида «Аёл
омон бўлса...» танловни
эълон қилди.

Иштирокчилар хотин-
қизлар ҳаёти, ижоди, фао-
лияти, муаммолари, Вата-
нимиз раванқи йўлида
қилинган ишлари ҳақида
матбуот саҳифаларида
ёритилган энг яхши мақо-
ла, телекўрсатув, лавҳа, ра-
диоэшиттириш ва фото-
кўрсатмаларини тақдим
этишлари лозим.

Танлов голиблари рўйха-
ти 2005 йил 27 июнь — Ма-
тбуот ва оммавий-ахборот
воситалари ходимлари
барамни арасида эълон
қилинади. Голиблар қим-
матбаҳо совғалар билан
тақдирланади.

Коракалпоғистон Рес-
публикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳри Хотин-қиз-
лар қўмиталари мазкур
қўриқ-танловни алоҳида ўз
худудларида ўтказад.

КАСБ ТАНАШГА КЎМАКЛАШАДИ

Хўжабод туманида
ўтган семинар мактаб-
нинг битирувчи синф
ўқувчиларига касб та-
нашлариде ёрдам бери-
ши, шубҳасиз.

Бу хайрли тадбирни ту-
ман ҳўқимияти ва халқ таъ-
лими бўлими ташкил этди.
Учрашувга шифокор,
ошпаз, новвой, сартарош,
тикувчи, чилангар каби тур-
ли хил касб эгалари тақ-
лиф этилди. Тадбир ўзига
хос тарзда кечди. Ишти-
рокчилар касблари ҳақида
хўшга қилиш билан бирга
ўз меҳнат мақсулотларини
ҳам намойиш этишди. Таш-
килотчилар шунга ўхшаш
тадбирлар юқори синф
ўқувчиларининг касб та-
нашлариде кўмаклашишига
ишонч ҳосил қилдилар.

К. НИЗОМОВ

ЖАМФАРМА БИР МИЛЛИОН АЖРАТДИ

Ўзбекистон Халқ таъ-
лими вазирлигиде Рес-
публика болалар ижоди-
ёти маркази аъзолари-
нинг кўргазмаси бўлиб
ўтди.

Бу галги кўргазма ўзга-
ча тарзда ташкил этилди,
яъни иштирокчилар ўз
ижод намуналарини томо-
шабинларнинг кўз олдиде
чиэйиб тақдим этишди.
Бўлгуси мусаваирларнинг
ишларини кузатар эканман,
уларга ҳавасим келди. Не-
гаки, менда ҳам мактабда
ўқиб юрган кезларим рас-
сомчиликка қизиқиб, инти-
лиш ҳеч кимга қизиқ
бўлмаганлиги боис, бугун-
ги йшлардаги чалиқ эъти-
борда эмасди.

Узини Аҳмаддон деб та-
ништираган жажжи ижодкор
ишда тоғ бағридаги киш-
лоқнинг тонги кўриниши
тасвирланган. Еш мусава-
вирдан бу манзарани кузат-
ганмисан, — деб сўра-
ганимда. — Йўқ, бу меннинг
тасавуриим, ўзим шахар-
ликман қишлоқда яшашни
ва от боқишни хоҳлайман,
— деб жавоб берди.
Кўргазмада голиб деб
топилган Ирина Бучок,
Фахриддин Яхшиев, Нарги-
за Бақировва Республика
Халқ таълими вазири
Т. Ҳўраев томонидан дип-
ломлар топирилди. Кол-
ган иштирокчилар фахрий
ёрлик ва эсдалик совғала-
ри билан тақдирланди.
Тадбир якунида сўзга
чиққан «Экспан» жамғар-
масининг раиси Юсуфжон
Шодиметов, Республика
болалар ижодиёти маркази
жамғармасига бир мил-
лион сўм маблағ ажратган
ини айтди.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ
ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анавар ЖўРАБОВЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРҒАШЕВ, Уткир ЖўРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Низомиддин НУРМАТОВ, Зоҳир ТўРАКУЛОВ
телефонлар: Кабулхона-136-53-14, Факс: (8-371) 133-41-89, Сўйсат ва партия хабри-136-55-96, Хатлар бўлими — 136-55-64, Манаъият, ахборот ва савият-136-55-64
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 016 рақам билан рўйхатдан ўтган. Бўртма Г—100, Ҳажми—2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи — Дилшоджон АБДУЛЛАЕВ
Газета IBM компютериде терилди.
Босишга топириш вақти — 20.00
Босишга топирилди — 19.30